O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1998 йил 4 февраль, чоршанба ● № 10 (10.993) ● Эркин нархда сотилади

## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМ!
МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР!

Таваллудимнинг 60 йиллиги муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат кўрсатиб, узоқ-яқиндан табрик, хат ва мактуб йўллаган давлат раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳаллалар ва жамоалар, барча юртдошларим ва ватандошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Шаънимга айтилган эзгу тилакларни, авваламбор, Ўзбекистон халқига ва давлатимизга бўлган эҳтиром, мамлакатимиз истиқболига ишонч деб биламан.

Мени ўстириб вояга етказган, етакчилик масъулиятини ишониб топширган, янгиланаётган ҳаётнинг оғир юкини елкасида кўтариб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб ишга азму қарор қилган меҳнатсевар, бағри кенг, оқибатли халқимизга фарзандлик меҳрини изҳор этаман.

Мактубларда акс этган ҳароратли сатрлар, уйғоқ фикрлар халқимизнинг ўткир заковатидан, қалби нақадар гўзал ва бой эканлигидан далолат. Бундай донишманд халқ ҳар қандай эъзозга, энг ёруғ тақдирга ва иқболга муносибдир.

АЗИЗЛАР!

Барча-барчангизни бағримга босиб айтадиган ягона тилагим шуки, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, кекса-ю ёш барча ватандошларимизнинг умрини ва бахтини берсин. Яратганимиз ўз паноҳида сақласин.

**Ислом КАРИМОВ.**

*Президентга мактуб*

## ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

*Шу йил 1 февраль куни Тошкент вақти билан соат 2 дан 30 дақиқа ўтганда "Шаттл-Эндевер" космик кемаси Канаверал бурнидаги (Хьюстон) полигонга эсон-омон қўнди.*

*Карантин тадбирлари амалга оширилганидан кейин куннинг иккинчи ярмида экипажни Наса раҳбарияти билан таништирув маросими бўлди. Сўнгра уларга қисқа муддат мобайнида яқинлари ва кутиб олувчилар билан учрашишга ижозат берилди. Космонавт Солижон Шариповни отаси, рафиқаси, акаси ҳамда академик Ш. Воҳидов кутиб олишди. Бу учрашувдан сўнг космонавтлар кейинги тиббий назорат ҳамда дам олишга жўнаб кетишди.*

*Парвоз муваффақиятли якунланганидан сўнг космонавт Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йўллади.*

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен, Шарипов Солижон, америкалик астронавт касбдошларим билан коинотга "Шаттл-Эндевер" космик кемасида учгандан кейин ерга соғ-саломат қайтиб тушдим.

Мен ва умр йўлдошим ўзбек оиласида — Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида туғилиб ўсганмиз. Коинотга учиш тайёргарлигини Россия космонавтлар тайёрлаш марказида ўтдим.

Ўзбекистонда менинг кўпгина муҳтарам устозларим, яқин дўстларим, қариндошларим ва шогирдларим бор.

Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактабнинг ўқувчиларига коинот ва авиация соҳасидаги янгиликлардан сабоқ бераяпман ҳамда имконим борича мактабни видеофильмлар, қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва айрим асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам кўрсатмоқдаман. Бу ишда менга устоз ва касбдошларим — космонавтлар В. Жонибеков, Г. Стрекалов, Т. Мусабоев, Ю. Маленченко сидқидилдан ёрдам бермоқда.

Ўзбек олимлари ва мутахассисларининг коинот ва авиация соҳаларидаги ютуқлари ва салоҳиятидан хабардорман. Улар билан тез-тез учрашиш, илмий мунозаралар, дўстона мулоқотлар ўтказиш имконияти борлигидан ниҳоятда хурсандман ва ватандошларимнинг бой тажрибаларидан кундалик ҳаётимда фойдаланаман.

Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг космонавтика ва авиация соҳаларида ҳам жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини ҳамда шуҳратига-шуҳрат қўшилишини жуда истайман.

Бу мақсад йўлида Ўзбекистон фазогирлари билан ўзимнинг билимим ва бор тажрибамни баҳам кўришга доим тайёрман.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнатиш ва ривожлантириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, муваффақият тилайман. Барча ишларингизда доимо омад Сизга ёр бўлсин.

***Эҳтиром билан***
***Солижон ШАРИПОВ,***
***космонавт.***
***Хьюстон, АҚШ.***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида, 1998 йилнинг Республика Президенти томонидан "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилсин.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази Тошкент давлат университети ва Тошкент давлат педагогика институтидаги оила муаммоларини ўрганиш лабораториялари негизида ташкил қилиниши белгилаб қўйилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги "Оила" илмий-амалий марказига кўрсатилган лабораториялар бўйича штатлар сони ва иш ҳақи фонди, шунингдек жиҳозларини балансдан балансга ўтказсинлар.

***(Давоми 2-бетда).***

***ТУМАН КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯСИ***

### ТОШКЕНТ

***Шу йилнинг 3 февраль куни халқ депутатлари Тошкент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Акбарали Йўлчиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Илгари "Ўзйўллойиҳа" институти директорининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Бахтиёр Рўзиевич Алимов Тошкент тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

### ЧИНОЗ

***Шу йилнинг 3 февраль куни халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Чиноз тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Эшмуҳаммад Бердиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Илгари Оққўрғон тумани ҳокимининг биринчи муовини бўлиб ишлаб келган Рустам Қурбонназарович Холматов Чиноз тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.



***"Оҳангаронцемент" ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳар йили республикамиз шаҳар ва қишлоқларида олиб борилаётган қурилишларга юз минглаб тонна цемент етказиб бермоқда. Ишчи-хизматчилар янги йилда ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Ушбу суратларда цемент ишлаб чиқариши бошлиғи Вячеслав Кочетков (чапда), смена устаси Леонид Шумихин ва майдалаш цехи машинисти Нигмат Идилаевларни кўриб турибсиз. Улар жамоа эришаётган меҳнат ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.***

***Владимир ГРАНКИН олган суратлар.***

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**
*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

## НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

***БУТУН мамлакатимиздаги каби кончилар шаҳри Ангренда ҳам Наврўз байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш тараддуди кўрилмоқда.***

Корхона ва ташкилотларда, ўқув юртлари ҳамда маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олмоқда. 28 февраль куни шаҳар аҳли умумхалқ ҳашарига чиқади. Шанбаликдан тушган маблағнинг муайян қисми аҳолининг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялашга сарфланади.

— Мустақиллигимизнинг еттинчи йили баҳори байрамига жиддий тайёргарлик кўряпмиз, — дейди шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири О.Эшончаев. — 21 март куни шаҳримиздаги ўйингоҳда катта байрам концерти ва оммавий сайил ўтказилади. Меҳнат жамоалари, маҳалла ва гузарлардаги байрам шодиёналарида бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ўз санъатини намойиш этади.

***Н.ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА***

Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий кенгаши тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, 1998 йил 30 январь куни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 11, 24, ва 45-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши томонидан кўрсатилган, 1947 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Тошкент вилоятининг ҳокими Эркин Маҳмудович Рўзиевни 166-Зафар сайлов округидан ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган, 1946 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раиси Дилбар Набиевна Жихонгировани 170-Қизғалдоқ сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар этиб рўйхатга олди.

## МУЗЕЙ ЎТМИШ ДЕГАН ГАП ЭМАС

***ЎЗ ТАРИХИНИ яхши биладиган ва уни эъзозлаб асрайдиган халқ келажак йўлни танлашда камдан-кам янглишади. Чунки, ўтмиш ҳодисотлари фақат тарихий воқеагина эмас, балки, чуқур ҳаётий сабоқ ва маънавий тафаккур нури ёғилиб турган улкан сарчашмалардир.***

Хўш, биз ўз тарихимизни, авлод-аждодларимиз амалга оширган ишларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг қадр-қимматини яхши биламизми? Айнан бизнинг миллатимиз тарихи ҳақидаги асарлар, халқ ичидан чиққан таниқли шахслар фаолиятига берилган баҳолар бизни қониқтирадими? Йўқ, албатта. Тўғри, собиқ шўролар тузуми мафкураси даврида яратилган барча тарихий-илмий асарларни бутунлай инкор этиш мушкул. Бироқ, ўша даврда тарихан рост нарсаларнинг ёлғон билан атай қориштирилгани, шу йўл билан омманинг ўй-фикрлари чалғитилгани — ҳақиқат. Бугунги кунда ўзбек халқининг ниҳоятда бой тарихи ва маънавий мероси игна билан қудуқ қазишдек мураккаб бир жараёнда қайта ўрганилмоқда ва яратилмоқда. Бизга ўтмиш ҳақида энг одил баҳо берадиган ва аниқ маълумотлар айтадиган ишончли манбалардан бири — музейлардир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида кўзда тутилган мақсад республикамизда қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқимиз маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб ва нодир асори-атиқаларни авайлаб-асраш, бутун дунёга тарғиб қилиш каби ўнлаб муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир. Бу борада республикамизда қатор хайрли ишлар бошлаб юборилди. Меъморчилик услублари ва ноёб кўргазмалари жиҳатидан жаҳон музейшунослиги тажрибаларига мос тушувчи музейлар барпо этилмоқда. Мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо, бу ишларни янада жонлантириш, музей-

*МУНОСАБАТ*

ларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири бўлиб турибди.

Тошкент вилояти ҳам тарихан катта йўлни босиб ўтган, бой ўтмишга эга бўлган вилоятлардан ҳисобланади. У қадимий ёдгорликларнинг кўплиги жиҳатидан республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Оққўрғон туманидаги Шоҳрухия ёдгорлиги, Бўстонлиқдаги Обираҳмат ғори, Хўжакентдаги тош даври битиклари, Олмалиқдаги Қорихона сингари ёдгорликлар ва у ерлардаги топилмалар ҳатто чет эллик олимларни ҳам қизиқтираётгани бежиз эмас. Бироқ, вилоятимизнинг қадим ўтмишини ўрганиш, ёдгорликлар ва нодиротларни сақлаш ва бойитишга бўлган эътибор ҳали етарли даражада эмас. Далилларга мурожаат қилайлик. Оққўрғондаги ўлкашунослик музейининг фаолияти, афсуски, ачинарли аҳволда. Олмалиқ шаҳридаги худди шундай музейда ҳам ҳаракат тўхтаган ҳисоб. Туман ва шаҳарлардаги бир қанча жамоа хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари қошидаги музейлар эътиборталаб бўлиб ётибди. Тўғри, маблағ масаласида юзага келган баъзи муаммолар бундай қадамжолардаги сусткашликка сабаб бўляпти, дейиш мумкиндир. Лекин, шу соҳадаги мутасадди кишиларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги сезилмаяпти-ку? Музейлар фаолияти учун жон койитадиган, бутун умрини қадимий топилмалар ва ёдгорликлар тарихини ўрганишга бағишлаган фидойи ўлкашунослар орамизда йўқ эмас. Нега уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга эътибор кам?

Гапнинг рости, кейинги даврларда музейшунослик — эътиборсиз соҳалар қаторига кириб қолаёзган эди. Фармонда худудий, идоравий бўйсунишдан ва мулкчилик шаклидан, қатъий назар, музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш, музейлар фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг илмий тадрижиётини ишлаб чиқиш, "Мозийдан садо" журналини таъсис этиш каби вазифалар кўрсатиб ўтилгани кишида қайта умид уйғотади. Бу муҳим Фармонни жойларда ўрганиб чиқиш ва тегишли чора-тадбирлар асосида жиддий ишга киришиш зарур. Қолаверса, вилоятдаги кўзга кўринган, иқтисодий бақувват корхона ва ташкилотлар музейлар аҳволини яхшилашга ёрдам беришлари, зарур бўлса, оталиққа олишлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, музейлар — тарихни ўргатибгина қолмай, бугунги кунимизни, бугунги улкан ўзгаришларни тарихга олиб кирадиган қимматли муассасалар ҳамдир.

***Зарифа ЭРАЛИЕВА.***

## "САҲОВАТ"ГА САХОВАТ

***Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси турли ҳайрия тадбирларида фаол иштирок этмоқда.***

Металлурглар шаҳардаги кексалар ва ногиронларнинг "Саҳоват" уйига мунтазам ёрдам кўрсатишяпти. Ҳар йили январь ойида бу уйга турли-туман совғалар келтириб бериладн. Яхши анъана бу йил ҳам давом этди. Бутун бир автомашинага ортилган совға-саломлар уйда истиқомат қилаётганлар ўртасида тарқатилди. Бу гал анчагина миқдорда кир совуни, 500 жуфт пайпоқ, "Фунай" телевизори берилди.

Бундан ташқари, 90 метр ковролан ҳам совға қилинди. Бу пол устига солиш учун ишлатилади. Металлургларнинг юзларча минг сўмлик навбатдаги ҳайриясидан "Саҳоват" уйи маъмурияти ва унда истиқомат қилаётган қаровчиси йўқ ногиронлар ва кексалар бениҳоя миннатдор бўлдилар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

***ЯҚИНДА "Камолот" жамғармасининг Қибрай тумани бўлинмаси, ички ишлар, халқ таълими бўлимлари ҳамкорликда ўтказган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлов ниҳоясига етди.***

Ҳуқуқшунослик илмига оид ушбу тадбирда тумандаги 48 мактабдан жами 386 та ўқувчи ўз билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказдилар.

Танловнинг якуний босқичига тумандаги еттита мактаб ўқувчилари етиб бордилар. Ана шу маскан билимдонлари ўртасидаги ўзаро баҳслашувларда 11-мактаб ўқувчилари биринчи, 17-мактабнинг "Адолат" гуруҳи иккинчи ва 19-мактабнинг "Ёш ҳуқуқшунослар" жамоаси учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолибларга "Камолот" жамғармасининг совғалари топширилди.

***Маҳмуд ЖЎРАЕВ.***

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**
*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

